

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими**

**НАШРЛАР. МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ
ҚИЛИШ БЕЛГИСИ**

Умумий талаблар ва расмийлаштириш қоидалари

Расмий нашр

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва
сертификатлаштириш агентлиги

Тошкент

Сўз боши

1 «UNICON.UZ» - Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази Давлат унитар корхонаси («UNICON.UZ» ДУК) томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

2 Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги Стандартлаштириш бўйича 7-сон техник қўмита томонидан КИРИТИЛГАН

3 Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги («Ўзстандарт» агентлиги)нинг 2011 йил 1 ноябрдаги 05-346-сон қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН

4 БИРИНЧИ МАРТА КИРИТИЛГАН

Ўзбекистон ҳудудида ушбу стандарт ва унга киритилган ўзгартиришларнинг амалга киритилиши (амал қилишининг тўхтатилиши) тўғрисидаги ахборот «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этиладиган кўрсаткичда эълон қилинади. Ушбу стандарт қайта кўриб чиқилганда ёки бекор қилинганда тегишли ахборот «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этиладиган ахборот кўрсаткичда эълон қилинади.

«Ўзстандарт» агентлиги ушбу стандартни Ўзбекистон ҳудудида расмий эълон қилиш мутлақ ҳуқуқига эга

Мундарижа

1	Қўллаш соҳаси.	1
2	Норматив ҳаволалар.	1
3	Атамалар ва таърифлар	2
4	Умумий қоидалар	4
5	Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгисининг вазифаси	6
6	Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси тавсифининг хусусиятлари	6
7	Нашрнинг асосий матнига муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси	6
8	Таржимага, тузишга, расмларга ва нашрнинг илмий аппаратига муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси	8
9	Лицензион (таржима) нашрларни чиқаришга муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси	9
10	Нашрнинг таҳририй-нашрий безатилишига муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси	10
11	Асарларни қайта нашр этишда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси	11
12	Нашрда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгисининг жойлаштирилиши.	12
A	илова (маълумот учун) Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгисини расмийлаштиришга мисоллар	13

Ў З Б Е К И С Т О Н Д А В Л А Т С Т А Н Д А Р Т И

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар
тизими**

**НАШРЛАР. МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ
БЕЛГИСИ**

Умумий талаблар ва расмийлаштириш қоидалари

**Система стандартов по информации, библиотечному
и издательскому делу**

**ИЗДАНИЯ. ЗНАК ОХРАНЫ АВТОРСКОГО ПРАВА
Общие требования и правила оформления**

System of standards on information, librarianship and publishing.

Editions. Copyright notice.

General requirements and rules of presentation

Кириштиш санаси 2012-01-01

1 Қўллаш соҳаси

Ушбу стандарт китобларда ва брошюраларда, серияли нашрларда, нотали, картографик, изонашрларда, аудио ва видео нашрларда, электрон нашрларда жойлаштириладиган муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгисининг таркиби ва тақдим этиш шаклига бўлган талабларни белгилаб беради.

Стандарт ташкилий-ҳуқуқий шакли ва мулк шаклидан қатъи назар нашрлар, тахририятлар, оммавий ахборот воситалари, фонограммалар ишлаб чиқарувчилари, аудио ва видео нашрлар ишлаб чиқарувчилари, электрон нашрлар учун мўлжалланган.

2 Норматив ҳаволалар

Ушбу стандартда қуйидаги стандартларга ҳаволалардан фойдаланилган:

ГОСТ 7.4-95 Система стандартов по информации, библиотечному и издательскому делу. Издания. Выходные сведения

ГОСТ 7.60-2003 Система стандартов по информации, библиотечному и издательскому делу. Издания. Основные виды. Термины и определения

ГОСТ 7.73-96 Система стандартов по информации, библиотечному и издательскому делу. Поиск и распространение информации. Термины и определения

ГОСТ 7.76-96 Система стандартов по информации, библиотечному и издательскому делу. Комплектование фонда документов. Библиографирование. Каталогизация. Термины и определения

Изоҳ - Ушбу стандартдан фойдаланилганда ҳавола қилинган стандартларнинг Ўзбекистон ҳудудида амал қилишини жорий йилнинг 1 январигача бўлган ҳолати бўйича тузилган стандартларнинг тегишли кўрсаткичи ва жорий йилда эълон қилинган тегишли ахборот кўрсаткичлари бўйича текшириш мақсадга мувофиқдир. Агар ҳавола қилинган ҳужжат алмаштирилган (ўзгартирилган) бўлса, у ҳолда ушбу стандартдан фойдаланилганда алмаштирилган (ўзгартирилган) стандартга амал қилиш лозим. Агар ҳавола қилинган ҳужжат алмаштирилмасдан бекор қилинган бўлса, у ҳолда унга ҳавола қилинган қоида, ушбу ҳаволага тааллуқли бўлмаган қисмида қўлланилади.

3 Атамалар ва таърифлар

Ушбу стандартда ГОСТ 7.60, 7.73, 7.76 бўйича атамалар, шунингдек қуйидаги атамалар тегишли таърифлари билан қўлланилган:

3.1 муаллиф: Ижодий меҳнати билан асарни яратган жисмоний шахс.

3.2 муаллифлик ҳуқуқи: Фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш ва фойдаланиш (нашр этиш, ижро қилиш, кўрсатиш ва ҳ.к) билан боғлиқ яъни шу соҳаларда одамларнинг ижодий фаолиятлари натижалари билан боғлиқ қонуний муносабатларни тартибга солувчи фуқаролик ҳуқуқи бўлими.

3.3 аудиовизуал асар: Тегишли техник воситалар ёрдамида кўриб ва эшитиб идрок қилиш (товуш жўр бўлган ҳолда) учун мўлжалланган, бири-бири билан боғлиқ тасвирларнинг (уларнинг товуш жўрлигида ёки товуш жўрлигисиз) қайд этилган сериясидан иборат асар, шу жумладан кинематография асарлари ва кинематографикка ўхшаш воситалар билан ифодаланган (теле ва видеофильмлар, диафильмлар, слайд-фильмлар ва бошқа асарлар) уларнинг дастлабки ёки кейинги қайд этилиши усулидан қатъи назар, барча асарлар.

3.4 чиқувчи маълумотлар: Нашрни тавсифловчи ва уни расмийлаштириш, истеъмолчиларни хабардор қилиш, библиографик ишлов бериш ва статистик ҳисобга олиш учун мўлжалланган элементлар комплекси.

3.5 нашр этиш йили: Нашрнинг чиқувчи маълумотларида белгиланган таквим йили.

3.6 муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси (copyright – копирайт): Нашрнинг чиқувчи маълумотлари элементи бўлиб, у нашр эгасига (жисмоний ёки юридик шахс) нашрда фойдаланилган интеллектуал мулк объектга алоҳида муаллифлик ҳуқуқлари мавжудлиги тўғрисида хабар беради.

3.7 нашр: Ўзидаги ахборотни тарқатиш учун мўлжалланган, тахририй-нашриёт ишловидан ўтган, босиш ёки босиб нақш солиш йўли билан олинган, матбаа жихатидан мустақил расмийлаштирилган, чиқувчи маълумотларга эга ҳужжат.

3.8 изонашр: Катта қисмини тасвир ташкил этган нашр.

3.9 расм: Ҳужжатнинг пагинация ёки фолиациясига (рақамлашга) киритилган, саҳифаларда (варақларда) жойлаштирилган асосий матнни изоҳловчи ёки тўлдирувчи график тасвир.

3.10 маҳаллий электрон нашр: Маҳаллий фойдаланиш учун мўлжалланган ва кўчма машинада ўқиладиган элтувчиларда маълум миқдордаги бир хил нусхалар (адади) кўринишида чиқарилувчи электрон нашр.

3.11 муаллифлик ҳуқуқи объекти: Асарнинг вазифаси ва ютуқларидан, уни ифодалаш усулидан қатъи назар, ижодий фаолият натижаси бўлиб ҳисобланади, бирор объектив шаклда мавжуд бўлган, фан, адабиёт ва санъат асарлари.

3.12 асосий матн: Нашрда чоп этилаётган асар матни.

3.13 таржима нашр: Бирор чет тилидан мазкур нашр мўлжалланган миллат тилига таржима қилинган асарни ичига олувчи нашр.

3.14 таржимон: Асар матнини ушбу нашр тилига таржима қилган жисмоний шахс.

3.15 қайта нашр: Асарнинг (асарларнинг) янгидан чиқарилган наشري.

3.16 ҳуқуқ эгаси: Муаллифлик ҳуқуқига нисбатан муаллиф ёки унинг меросхўрлари, ижрочи ёки унинг меросхўрлари, фонограммани тайёрловчи, турдош ҳуқуқларга нисбатан эфир ёки кабель бўйича эшиттиришни ташкил этиши, шунингдек, асарлардан фойдаланишга ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан шартнома бўйича ёки Қонунда назарда тутилган бошқа асос бўйича ҳуқуққа эга бўлган бошқа юридик ёки жисмоний шахслар.

3.17 серияли нашр: Бир хил сарлавҳага эга, одатда, чиқарилган нашрлари (жилдлари) рақамланган ва (ёки) сана қўйилган, давомийлиги олдиндан белгиланмаган вақт мобайнида чиқувчи нашр.

3.18 турдош ҳуқуқлар: Ижрочилик, фонограммаларни ишлаб чиқарувчилар ва эфирга олиб кўрсатиш, эшиттиришни мос равишда уларнинг ижрочилари, фонограммалар ва теле-, радио-эшиттиришларга нисбатан тегишли бўлган ҳуқуқлар.

3.19 ҳаммуаллифлик: Асар битта узлуксиз яхлитни ташкил этиши ёки ҳар бири мустақил аҳамиятга эга бўлган қисмлардан иборат бўлишидан қатъи назар, икки ёки ундан ортиқ жисмоний шахсларнинг биргаликдаги ижодий меҳнати билан яратилган асарга муаллифлик ҳуқуқидир.

3.20 тузувчи: Маълум бир материалларни нашрга киритиш уларни тўплаган, тартибга солган ва/ёки ишлов берган жисмоний шахс.

3.21 электрон нашр: Ахбороти электрон-рақамли шаклда берилган, таҳририй нашр ишловидан ўтган, чикувчи маълумотларга эга бўлган кўпайтириладиган ва машинада ўқиладиган элтувчиларда тарқатиладиган нашр.

3.22 юникод (ёки уникод) (unicode): Амалда барча ёзув тиллари белгиларини ифодалашга имкон берувчи символларни кодлаш стандарти.

Изоҳ – Бу турли хил миллий символларни универсал форматда ифодалаш усули.

4 Умумий қоидалар

4.1 Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фан, адабиёт ва санъат асарлари муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси билан белгиланиши мумкин.

4.2 Қуйидаги фан, адабиёт ва санъат асарлари муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси билан белгиланиши мумкин:

- китоб ва журнал нашрларининг барча турлари, шунингдек, брошюралар, буклетлар, варақалар, плакатлар, каталоглар, тақвимлар ва ҳ.к.;

- тасвирий санъат нашрларининг барча турлари (эстамплар, репродукциялар, альбомлар, плакатлар, очик хатлар, аудио-, видео-нашрлар учун бадиий безатилган конвертлар ва ҳ.к.);

- картографик нашрлар (карталар, карта-схемалар, атласлар ва ҳ.к.);

- аудио-, видеонашрлар, электрон нашрлар.

4.3 Муаллифлик ҳуқуқи объекти бўйича қуйидагилар фарқланади;

- нашр (босиб чиқариш)нинг асосий матнига муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси;

- таржима, тузиш учун, расмлар, илова матни, нашр (босиб чиқариш)нинг илмий аппарати ва ҳ.к.лар учун муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси;

- лицензион (таржима) нашрларини нашр этиш ва тарқатиш учун муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси;

- нашрни таҳририй-нашрий расмийлаштиришга муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси;

- аудио-, видеонашрларга, электрон нашрларга муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси.

4.4 Қуйидагилар муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланмайди:

- расмий ҳужжатлар (қонунлар, қарорлар, фармойишлар ва ҳ.к.), шунингдек уларнинг расмий таржималари;

- расмий символлар ва белгилар (байроқлар, герблар, орденолар, пул белгилари ва ҳ.к.);

- ҳалқ ижоди асарлари;

- кун янгиликлари тўғрисида хабарлар ёки одатдаги матбуот ахбороти тарзидаги жорий ҳодисалар тўғрисида хабарлар;

- яққа тартибдаги асарни яратишга бевосита йўналтирилган инсон томонидан ижодий фаолиятни амалга оширмасдан, маълум бир турдаги ишлаб чиқариш учун мўлжалланган, техник воситалар ёрдамида олинган натижалар.

4.5 Нашрлар уларда фақат муаллифнинг шарҳлари эслатмалари, кириш мақолалари ва ҳ.к.лар мавжуд бўлгандагина, кўрсатиб ўтилган материаллар тўпламини нашр этишда эса – оригинал (асл) тузиш иши мавжуд бўлгандагина муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси қўйилиши мумкин.

4.6 Мустақил равишда ёки бирор нашриётнинг воситачилигида илмий асарлар тўплами, қомусий луғатлар, журналлар ёки бошқа даврий нашрларни нашр қилувчи юридик шахс (ташкилот) барча нашрларга муаллифлик ҳуқуқи белгисида ўз номини кўрсатади, чунки ушбу нашрларнинг муаллифлик ҳуқуқи умуман шундай юридик шахсга (ташкилотга) тегишлидир.

4.7 Нашриётлар орқали нашр этмасдан, нашр этилиши белгиланган тартибда вазирликлар, идоралар ва ташкилотларга рухсат этилган идоравий босма ишларда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгисида, агар унга ушбу нашрга муаллифлик ҳуқуқи тегишли бўлса, ташкилотнинг номи ёки муаллифлик ҳуқуқи тегишли бўлган муаллифлар фамилиялари кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикасидаги нашриётлар томонидан буюртмалар (шартномалар) асосида чиқарилаётган нашрларда ҳам муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси шу тарзда қўйилади.

4.8 Нашрда асарнинг яратувчилари ва улар бажарган ишнинг хусусияти кўрсатилган ҳолда (муаллиф-тузувчи, рассом-безовчи, расмлар ёки фотосуратлар муаллифи, матн муаллифи ва ҳ.к) муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг бир нечта белгиси қўйилиши мумкин.

4.9 Нашрда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг бир нечта белгиси мавжуд бўлганда улар А иловада келтирилган тартибда кўрсатилади.

4.10 Агар ҳуқуқ эгалари тўртта ва ундан ортиқ бўлса, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгисини қўймасликка рухсат этилади.

4.11 Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси элементларининг тили нашрнинг чиқувчи маълумотлари тили билан бир хил бўлади. Агар юридик номнинг шундай шакли ушбу ташкилотни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказишда белгиланган бўлса, у ҳолда ҳуқуқ эгасининг номи бошқа тилда келтирилади.

5 Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгисининг вазифаси

5.1 Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгисининг вазифаси муаллифлик ҳуқуқи кўрсатилган жисмоний ёки юридик шахсга тегишли экани тўғрисида хабар беришдан иборат.

5.2 Муаллифлик ҳуқуқи асарни яратиш пайтида юзага келади ва муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун асарни рўйхатдан ўтказиш ёки бирор бошқа расмиятчиликларга амал қилиш талаб этилмайди. Белгининг бўлмаслиги асар муаллифлик ҳуқуқлари билан ҳимояланмаганини англатмайди.

6 Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси тавсифининг хусусиятлари

6.1 Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси қуйидагилардан иборат:

- айлана ичига олинган лотин “С” ҳарфи - ©;
- ҳуқуқни ҳимоя қилиш объекти номи, ҳуқуқ эгаси номи;
- асарнинг биринчи нашр этилган йилининг рақамли белгиланиши («йил» сўзи ёки қисқартирилган «й» ёзилмаган ҳолда).

6.2 Юникодда белги ўн олти ООА9 кодига ва ўнли 169 кодига эга.

6.3 Microsoft Windows операцион тизимида белгини клавиатура орқали босиб чиқариш учун «alt+0169» комбинациясини киритиш керак.

6.4 Фонограммага алоҳида ҳуқуқлар эгалари ва (ёки) бундай фонограммада ёзилган ижро ўз ҳуқуқлари тўғрисида хабардор қилишлари учун турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш белгисидан фойдаланишлари мумкин, бу белги фонограмманинг ҳар бир нусхасида ва (ёки) у солинган ҳар бир ғилофга жойлаштирилади ва уч элементдан иборат бўлади:

- айлана ичига олинган лотин “R” ҳарфи- ®;
- алоҳида турдош ҳуқуқлар эгасининг исми (номи);
- фонограмма биринчи марта нашр этилган йил.

7 Нашрнинг асосий матнига муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси

7.1 Жисмоний ёки юридик шахсларда нашрнинг асосий матнига алоҳида муаллифлик ҳуқуқи мавжудлиги тўғрисида ахборот берувчи муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси қуйидаги тарзда қўйилади:

Мисоллар

1 © А.Х.Қурбонов, 2010

2 © «ЦМИ» инновация фирмаси ва «Компьютер Осие» ИТК, 2009

3 © «infoCom.UZ» нашриёти, 2010

4 © Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, 2009

5 © Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги, 2010

7.2 Жисмоний ёки юридик шахс муаллифлик ҳуқуқи объектларининг бир неча туридан фойдаланишнинг алоҳида ҳуқуқига эга бўлганда бундай турларнинг белгиланишлари вергул билан ажратилиб, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг битта белгиси билан кўрсатилади.

Мисоллар

1 © Т.Ш.Умарбеков, сўз боши, шарҳлар, 2010

2 © Тузиш, безаш. “Зиё” МЧЖ, 2010

7.3 Битта ажралмас бутунни ташкил этувчи ҳаммуаллифларнинг асарини нашр этишда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгисида ҳаммуаллифларнинг исмлари улар нашрнинг титул варағида (титул варағи орқасида) кўрсатилган тартибда келтирилади ёки нашрнинг уни вазифасини бажарувчи элементда келтирилади.

Мисол -

© П.Ф.Йўлдошева, О.Р.Рустомова, Р.У.Қурбонов, 2010

7.4 Айрим қисмлари (боблари, бўлимлари) ҳаммуаллифлар номидан мустақил яратилган асарларни нашр этишда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси ҳар бир муаллиф учун унинг исмидан сўнг вергул орқали асарнинг тегишли қисми (боби, бўлими) кўрсатилади.

Мисоллар

1 © Н.М. Шодмонов, 1-2, 4-боблар, 2009

2 © А.А. Хошимов, 3, 5, 7-боблар, 2009

3 © Э.К. Эитоев, 6, 8-боблар, 2009

7.5 Алоҳида муаллиф ҳуқуқига эга бир неча субъект, жисмоний ёки юридик шахс мавжуд бўлганда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгисида уларнинг исми (номи)ни келтириш кетма-кетлиги нашрнинг титул варағидаги, нашрнинг титул варағининг ўрнини босувчи элементлардаги исмлар (номлар) кўрсатилган тартибга мос бўлади ёки ҳуқуқ эгаларининг ўзаро келишувига мувофиқ кўрсатилади.

Мисоллар

1 © К.Т. Худойбердиева, О.Л.Аганов, 2010

2 © Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, Республика илмий-педагогик кутубхонаси, 2010

7.6 Асар (асарлар)га алоҳида муаллифлик ҳуқуқларга эга юридик шахс (ташкилот, жамоалар)нинг номи юридик шахсни рўйхатга олишда белгиланган шаклда келтирилади. Мулк шаклини англатувчи сўзлар умумқабул қилинган аббревиатураларда келтирилади.

Мисоллар

1 © «Ижодий ёшлар уйи» ДУК, 2010

2 © «Шарқ пресс» - нашриёт уйи» МЧЖ, 2010

3 © «Санъат» ЁАЖ, 2010

Изоҳ – Хизматга оид мажбуриятларини бажариш тартибида яратилган асарлардан фойдаланишнинг алоҳида ҳуқуқлари иш берувчига тегишли бўлади, агар бунда у билан муаллиф ўртасида тузилган шартномада бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса.

8 Таржимага, тузишга, расмларга ва нашрнинг илмий апаратыга муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси

8.1 Таржима, тузиш, расмлар, илова матни, нашрнинг илмий апарати ва ҳ.к.ларга алоҳида муаллифлик ҳуқуқлари мавжудлиги тўғрисида ахборот берувчи муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси ўз ичига шахснинг фамилияси ва исм-шарифини, ҳуқуқни ҳимоя қилиш объектининг белгиланишини, биринчи марта нашр этилган йилни олади.

Мисоллар

1 © С.Е.Имомалиев, айтиб бериш, 2010

2 © М.А. Жўрабоева, расмлар, 2010

3 © Х.А.Абдусаматов, кириш мақоласи, 2010

4 © И.Н.Рахматуллаева, тузувчи, 2010

5 © И.И.Ғафурова, аранжировка, 2010

8.2 Таржимага муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгисида таржимоннинг (таржимонларнинг) номларидан кейин таржима қилинган тил ҳақида маълумот келтирилади.

Мисол - © А.Б.Қодиров, ўзбек тилига таржима, 2010

8.3 Агар асарнинг алоҳида қисмлари (боблари, бўлимлари) турли таржимонлар томонидан мустақил таржима қилинган бўлса, у ҳолда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгилари ҳар бир таржимонга тегишли боблар (булимлар) кўрсатилган ҳолда келтирилади.

Мисоллар

1 © Б.М.Бегимқулов, ўзбек тилига таржима, 1-2-боблар, 2010

2 © У.Э.Солихов, ўзбек тилига таржима, 3-5-боблар, 2010

8.4 Нашрни яратишда ташкилот (жамоа)нинг иштироки натижасида муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгисини расмийлаштиришда аввал ҳуқуқ объектининг номи, кейин нуқта орқали ташкилотнинг юридик номи, йил кўрсатилади.

Мисоллар

- 1 © *Ўзбек тилига таржима, «Турон» МЧЖ, 2010*
- 2 © *Ўзбекча версияси, «Осиё» МЧЖ, 2010*
- 3 © *Музикий альбом, «Баҳор» МЧЖ, 2010*

9 Лицензион (таржима) нашрларни чиқаришга муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси

9.1 Лицензион (таржима) нашрларда асл нусхада кўрсатилган муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси билан бирга чет элда ёки бошқа тилда чиққан асарнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат/рус тилида нашр этилиши (тарқатилиши)га мулк ҳуқуқининг мавжудлиги тўғрисида ахборот берувчи муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси келтирилади.

9.2 Таржима ёки лицензион нашрларни босиб чиқаришда асл нусхадаги муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси асл нусхада қандай шаклда берилган бўлса, шундай қайта тикланади.

Мисоллар

- 1 © *UNDP DDI, 2005*
- 2 © *Kroxus Software Group, 2002-2003*
- 3 © *SMI Group, 2008*

9.3 Лицензион (таржима) нашрларни босиб чиқаришга муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгисига қуйидаги сўзлар киритилади: «Давлат/рус тилидаги нашр», «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги нашр» ва ҳ.к., ташкилот ёки ноширнинг юридик номи, нашр йили.

Мисоллар

- 1 © *Рус тилидаги нашр, «Алифбо» МЧЖ, 2010*
- 2 © *Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги нашр, «Жаҳон» МЧЖ, 2010*
- 3 © *Ўзбекистон Республикаси ва МДҲга аъзо мамлакатлар ҳудудида нашр, тарқатиш. «Status» МЧЖ, 2010*

9.4 Агар юридик шахс (ташкилот ёки ношир) нашр этиш (тарқатиш) ҳуқуқидан ташқари таржима, безатиш, тузиш ва ҳ.к. алоҳида муаллифлик ҳуқуқига ҳам эга бўлса, у ҳолда бу нашр (тарқатиш) учун ҳуқуқни белгилашдан сўнг муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгисидан кўрсатилади.

Мисоллар

- 1 © *Ўзбек тилидаги нашр, Ўзбек тилига таржима, безатиш. «Полиграф» АЖ, 2010*

2 © Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги нашр, ўзбек тилига таржима, «Альфа-китоб» МЧЖ, 2010

9.5 Бир тилдан иккинчи тилга таржима қилинган, муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинадиган асарни нашр этишда таржима амалга оширилаётган асл нашрнинг ҳам, таржима нашрининг ҳам муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси қўйилиши керак. Бунда асл нашрнинг муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси асл нусха тилида, таржима нашрининг муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси таржима қилинган тилда қўйилади.

Ҳуқуқ эгасидан сўнг сананинг ўрнини ўзгартириш ва асл нусхада муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгисининг ифодасини такроран кўчириб олиш зарур. Бинобарин, таржима бошқача кўринишда бўлади.

Мисоллар

1

Асли:

© 2010 Sakar International, Inc. All rights reserved.

Таржима:

© 2010 Sakar International, Inc. All rights reserved.

© Sakar International, Inc., 2010. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.

2

Асли:

© 2010 Walter de Gruyter GmbH & Co. KG. All rights reserved.

Таржима:

© 2010 Walter de Gruyter GmbH & Co. KG. All rights reserved.

© Walter de Gruyter GmbH & Co. KG, 2010. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.

10 Нашрнинг таҳририй-нашрий безатилишига муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси

Ноширда нашрнинг таҳририй-нашрий безатилишига (оригинал-макет, мастер-кассета, мастер-диск ва х.к.) ҳуқуқни мавжудлиги тўғрисида хабардор қилувчи муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси ўз ичига «Безатиш» (таҳририй-нашрий безатиш) сўзини, ноширнинг юридик номини, нашр йилини олади.

Мисол - © Безатиш. «Ҳаёт» МЧЖ, 2010

11 Асарларни қайта нашр этишда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси

11.1 Агар нашр асарнинг матнида (мазмунда) ўзгаришларсиз ва безатилишида ҳам ўзгаришларсиз қайта чиқарилаётган бўлса, у ҳолда янги нашрда асар олдинги ношир ёки бошқаси томонидан қайта нашр этилишидан қатъи назар аввалги нашрнинг муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш барча белгилари янги нашрда қайта ёзилади. Ушбу ҳолда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгисида янги ноширнинг исми келтирилмайдди, чунки у ҳуқуқ эгаси бўлиб ҳисобланмайдди.

11.2 Агар асарнинг қайта нашри асар матнида (мазмунда) ва безатилишида ўзгаришлар билан амалга оширилган бўлса, у ҳолда янги нашрда аввалги нашрдаги асарга муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси ва янги нашрдаги асарга ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар билан бирга муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси кўрсатилади.

Мисоллар

1 © К.А.Ашрапов, 2008

2 © К.А.Ашрапов, 2010, ўзгаришлар билан

3 © Безатилиши. «Маънавият» МЧЖ, 2010

11.3 Агар асарни қайта нашр этишда янги расмлар, нашрнинг янги аппарати (ёрдамчи матн), яратилган нашр янгидан таҳририй-нашрий ишлов беришдан ўтган бўлса, у ҳолда янги нашрда фақат ушбу нашрнинг кириш мақолаларига, шарҳларга, расмларга, безатилишига ва ҳ.к.ларга муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгилари келтирилади. Нашр аппарати (ёрдамчи матн)нинг қайта ишланган, тўлдирилган элементларидан фойдаланилганда ҳам худди шундай йўл тутилади. Олдинги нашрнинг кириш мақолалари, китобнинг маълумотнома аппарати, расмлари, безатилиши ва ҳ.к.ларга муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгилари қайта ёзилмайди.

Мисоллар

Олдинги нашрда

1 © У.Б. Умарбеков, 2006

2 © И.У. Рахимов, кириш мақоласи, 2006

3 © Ш.А. Қаямова, расмлар, 2006

4 © Безатилиши. «Ватан» МЧЖ, 2006

Янги нашрда

© У.Б. Умарбеков, 2006

© У.Б. Умарбеков, 2009, ўзгаришлар билан

© И.У. Рахимов, кириш мақоласи, предмет кўрсаткичи, 2009

© М.М. Юсупова, расмлар, 2009

© Безатилиши. «Юлдуз» МЧЖ, 2009

12 Нашрда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгисининг жойлаштирилиши

12.1 Босма китоб, даврий ва давом этувчи нашрларда нашр тўлиқ тегишли бўлган муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси титул варағи орқасининг ўнг пастки бурчагида ёки нашрнинг унинг ўрнини босувчи элементларида ГОСТ 7.4 га мувофиқ келтирилади.

12.2 Тўпламларда, даврий чиқариладиган ва давом этувчи нашрларда чоп этилган алоҳида асарларга тааллуқли муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси асарнинг, мақоланинг бошланғич матнли саҳифасининг пастки қисмида ГОСТ 7.4 га мувофиқ келтирилади.

12.3 Варақли изонашрларда, варақли картографик ва нотали нашрларда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси варақ пастки майдонининг ўнг қисмида ёки орқа томонида ГОСТ 7.4 га мувофиқ келтирилади.

Репродукцион открыткаларда, почта открыткаларида муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси уларнинг орқа томонида ГОСТ 7.4 га мувофиқ келтирилади.

12.4 Электрон нашрларда нашрга тўла тегишли бўлган муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгилари титул экранининг пастки қисмида, физик элтувчида, контейнерда ва/ёки контейнерга қўшимча варақада, бевосита электрон элтувчидаги ёрликда; бирламчи ўровнинг олд, ички ва орқа томонларида; иккиламчи ўровнинг олд, орқа ва ён (агар қалинлиги имкон берса) томонларида; қоғозли элтувчидаги илова қилинган ҳужжатларда жойлаштирилади. Иккиламчи ўров ва илова қилинадиган ҳужжатлар бўлмаслиги ҳам мумкин.

Маҳаллий электрон нашрларда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгисини фақат ташқи безатиш элементларида келтириш ва электрон нашрнинг титул экраниде келтирмасликка руҳсат этилади.

12.5 Электрон нашрда чоп этилган алоҳида дастурлар, асарларга тааллуқли муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгилари дастур титул экранининг пастки қисмида, асар матнининг охирида келтирилади.

12.6 Турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш белгиси ® фонограмманинг (аудионашрнинг) ҳар бир нусхасида ва (ёки) у солинган ҳар бир ғилофда жойлаштирилиши мумкин.

12.7 Кассеталарда чиқарилувчи видеонашрларда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгилари кассетада, шунингдек контейнернинг орқа томонида ёки контейнерга қўшимча варақада жойлаштирилади.

Агар видеонашр электрон оптик дискда чиқаётган бўлса, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгилари физик элтувчида, шунингдек контейнерга қўшимча варақада жойлаштирилади.

А илова
(маълумот учун)

**Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгисини
расмийлаштиришга мисоллар**

А.1 Битта муаллиф (жамоа) асарининг нашрида муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгилари:

Мисоллар

1 © К.М. Орипов, 2010

2 © И.С. Туманова, кириш мақоласи, шарҳлар, 2010

3 © У.М. Рашидова, расмлар, 2010

4 © Безатилиши. «Баҳор» МЧЖ, 2010

5 © «Турон Иқбол», 2010

6 © Мусиқий альбом, «Ёшлар» МЧЖ, 2010

А.2 Ҳаммуаллифлар асарининг нашрида муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгилари:

© Н.Г. Абдурахмонова, С.Р.Воронин, Р.С. Жумагалиев, 2010

© Безатилиши. «Юлдуз» МЧЖ, 2010

© К.И. Жўраев, кириш, 1-4-боблар, 2010

© А.А. Жўрабоева, 5-7-боблар, 2010

© Р.А. Вохидов, 8-10-боблар, кўрсаткичлар, 2010

© М.А. Ахмадҷонова, расмлар, 2010

© Безатилиши. «Афросиаб» МЧЖ, 2010

А.3 Барча ҳуқуқлар ноширга тегишли бўлган асарнинг нашрида муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси:



© Ғофур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа уйи, 2010

А.4 Биргаликдаги нашрда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси:

© К.Л. Отамуродова, 2010

© Безатилиши. «Турон» МЧЖ, «Гулшан» АЖ, 2010

А.5 Асарни тўпламда, даврий ёки давом этувчи нашрда босиб чиқаришда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси:



А.6 Электрон элтувчида чиқариладиган мустақил маълумотнома электрон нашрдаги муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси.

Чиқувчи маълумотлар элтувчининг титул экранида, ёрлиғида ва бирламчи ўривининг ички томонида жойлаштирилади.

<p>Қурилиш ва таъмирлаш 2009 – 2010</p> <p>Маълумотнома электрон нашр (бир йилда бир маротаба янгиладиган)</p> <p>Тошкент</p> <p>InfoCom-Impuls</p> <p>2009</p>	<p>Ҳар қандай шаклда кўпайтириш ва тарқатишга оид барча ҳуқуқлар ишлаб чиқувчига тегишлидир. Ушбу маҳсулотдан яширин нусха кўчириш ва фойдаланиш тақиқланади.</p> <p>Муаллифлар: Ирина Васильевна Крамская, Икром Қодирович Хўжаев, Игорь Георгиевич Синицин (маълумотлар базаси), Александр Александрович Глазунов (дастурий таъминот).</p> <p>100000, Тошкент, Афросиоб кўчаси, 12 Тел.: (99871) 124-61-20 E-mail: impuls@imp.uz</p>
--	---

А.6.1–расм. Титул экран



А.6.2–расм. Элтувчи ёрлиғи

Маълумотнома битта электрон элтувчида етказиб берилади ва локал ҳамда тармоқ режимларида фойдаланилиши мумкин. Тизим локал ҳисоблаш тармоғидаги серверлардан бирига ўрнатилганда, унга бир неча фойдаланувчининг бир вақтда кириши таъминланади.

Маълумотномани ўрнатиш учун қуйидаги амалларни бажаринг:
()

Муаллифлар: Ирина Васильевна Крамская, Икром Қодирович Хўжаев, Игорь Георгиевич Сеницин (маълумотлар баъзаси), Александр Александрович Глазунов (дастурий таъминот).

давлат рўйхатидан ўтган рақами 425865597 © InfoCom-Impuls, 2009

А.6.3–расм. Бирламчи ўровнинг ички томони

Асосий сўзлар: нашрлар, нашр турлари, муаллифлик ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи субъектлари, муаллифлик ҳуқуқи объектлари, чиқувчи маълумотлар, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси (copyright – копирайт), муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгисини расмийлаштириш

«UNICON.UZ» ДУК
директор ўринбосари

Ж.Максудов

Стандартлаштириш таянч
ташкilotи бошлиғи

Е.Синяшина

Стандартлаштириш таянч
ташкilotи етакчи муҳандиси

С.Страхова

Республика ахборот-кутубхона
маркази бош мутахассиси

И.Гартман

Республика ахборот-кутубхона
маркази бош мутахассиси

О.Рустамова

Норма назорати

М.Комилова

КЕЛИШИЛГАН

КЕЛИШИЛГАН

Ўзбекистон алоқа ва
ахборотлаштириш агентлиги
Ахборот ресурслари ва ахборот
тизимлари бўлими бошлиғи

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон миллий
кутубхонаси директори

Ш. Хабибуллаҳўжа
2011 йил 20 сентябрдаги
18-8/3873-сон хати

А.А.Умаров
2011 йил 22 августдаги
387-сон хати

КЕЛИШИЛГАН

КЕЛИШИЛГАН

Давлат алоқа инспекцияси
бошлиғи

Тошкент давлат техника
университети Ахборот-ресурс
маркази директори

Ш.М.Атамухамедов
2011 йил 24 августдаги
32-12/1015-сон хати

Ф.Б.Балтаханова
2011 йил 18 августдаги
01/9-14-998-сон хати

КЕЛИШИЛГАН

Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси Фундаментал
кутубхонаси директори

З.Ш.Бердиева
2011 йил 23 августдаги
100-сон хати